



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2013 йил 23 март, № 56 (5730) • Шанба

НАВРЎ ТУХФАСИ

Компьютер бошқаради

Наврў байрами арафасида Навоий шаҳридаги "Қизилтепа Турон" масъулияти чекланган жамиятида Швециянинг "Revent" технологияси асосида юқори сифатли нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

— Мазкур технология бир қатор афзалликларга эга, — дейди корхона раҳбари Аваз Рўзиев. — Хусусан, у компьютерлаштирилган тизим орқали ишлайди. Бир пайтнинг ўзида маҳсулот сифатини ҳам "ақлли машина" назорат қилиб боради. Электр энергияси сарфи ҳам турдош дастгоҳларга нисбатан икки баравар кам.

Айни пайтда бу ерда кунига 3 тонна ун қайта ишланиб, аҳоли дастурхонига 15 турдаги нон маҳсулоти тортиқ қилинапти.

А. ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Асосий қисми экспортга

Китоб туманидаги "Гўзалсавдосервис" масъулияти чекланган жамиятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни кенгайтириш лойиҳаси амалга оширилди. Пировардида бу ерда замонавий технологик ускуналар ёрдамида йилга юз тоннадан ортиқ турли мева шербатлари ва консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Эътиборлиси, уларнинг асосий қисмини ташқи бозорга чиқариш мўлжалланаяпти.

А. МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кредит имкониятни кенгайтирди

Олтинсой туманидаги "Хўжасоат ирмоғи" хусусий корхонаси банкдан 100 миллион сўмлик кредит олиб, ўз фаолиятини кенгайтирди.

— Цехимизга ўрнатилган хоризнинг технологик линияси ҳам тежамкор, ҳам юқори самара билан ишлайди, — дейди корхона раҳбари Раҳмат Ортиқов. — Ишлаб чиқарилаётган пишик гишт курувчиларга пешма-пеш етказиб берилаяпти. Шу кунларда корхонамиз қошида оҳак ва алебастр ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйяпти. Бу лойиҳа рўёбга чиқарилиши билан ишчиларимиз сони 30 нафарга етади.

Н. ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фермернинг корхонаси

Янгиланиш ва яшариш айёмида қўнғиротлик фермер Раҳул Бабаниязов аҳоли учун ажойиб туҳфа тайёрлади. У ўзи раҳбарлик қилаётган "Қўчқоров Фарух" фермер хўжалиги қошида йилга 3500 тонна йодланган ош тузи ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган мўъжаз корхона фаолиятини йўлга қўйди.

— Устурт кенгликлари табиий хом ашёга бой ҳудуд, — дейди Р. Бабаниязов. — Ундан оқилонга фойдаланиб, аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга йўналтириш биз каби қишлоқ мулкдорлари зиммасига катта масъулият юклайди. Банкинг 200 миллион сўмлик кредитдан фойдаланиб, хориздан замонавий ускуналар олиб келиб ўрнатдик.

Айтиш жоизки, 2012 йили Қорақалпоғистон Республикасида тижорат банклари томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 208,5 миллиард сўмлик кредитлар ажратилган бўлиб, бу аввалги йилдагига нисбатан 1,3 баробар кўп демакдир.

Х. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Замонавий қишлоқ қиёфаси

Кўркам уйлар, файзли хонадонлар

Аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини белгилашда нафақат даромад манбаи, балки яшаш шaroити, обод ҳамда замонавий уй-жойлар билан таъминлангани, зарур инфратузилманинг мавжудлиги муҳим мезон ҳисобланади. Шу боис Президентимиз ташаббуси билан республикамизнинг барча ҳудудларида муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган кўплай янги уй-жой массивлари барпо этилмоқда. Шаҳардагидек шароитга эга бундай муқташам уйлар Самарқанд вилоятида ҳам тобора кўпайиб бормоқда.

Агар 2012 йилда 900 та тураржой қурилиб, ўз эгаларига топширилган бўлса, жорий йилда 1050 та уй-жой қурилиши жадал давом эттирилаяпти. Бунинг учун банклар томонидан 83,6 миллиард сўм миқдорига маблағ йўналтирилиши белгиланган. Қишлоқ қурилиши бўйича Ўзбекистонда яратилган ушбу тизим халқаро миқёсда эътироф этилмоқда. Шу йил апрель ойида пойтахтимизда ўткази-

ладиган нуфузли анжуман бунинг яққол далилидир. Самарқанд шаҳридан чиқиб, Окдарёдан ўтишингиз билан бири-бирдан кўркам тураржойлар эътиборингизни тортади. Окдарё туманининг "Пўлатдархон" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли ушбу ҳудуд Қирқдархон массиви деб аталади. Мазкур обод манзил кейинги уч йил ичида барпо қилиниб, гўзал қиёфа

касб этди. Бу ерда намунавий лойиҳалар асосидаги шинам уйлاردан ташқари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, қишлоқ врачлик пункти, мактаб бинолари қад кўтарди, кенг ва равоан кўчалар қурилди, йўл атрофида эса манзарали ҳамда мевали дархат ниҳоллари, анвоий гуллар экилди.

(Давоми 2-бетда.)



2012 йили Самарқанд вилоятида намунавий лойиҳалар асосида 900 та тураржой барпо этилган бўлса, жорий йилда

1050 та уй-жой қурилиши кўзда тутилган.

Боғ-роғлар кўпаяди

Шу кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари доирасида манзарали ҳамда мевали дархат кўчатларини экиш, янги боғ ва гулзорлар барпо этишга астойдил киришилган.

2013 йил — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Жумладан, Қашқадарё вилоятида мазкур ойликлар доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

— Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларида кексаюш ёш бирдек иштирок этаёпти, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси Музаффар Туропов. — Шу пайтга қадар улар томонидан 246 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дархат кўчатлари қадалди. 1149 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида кўп йиллик дархатларни оқлаш, буташ баробарида, ён-атроф саранжом-саришта ҳолга келтирилмоқда.

Навоий вилоятида жорий йилда 8,7 миллион тупдан зиёд мевали, манзарали кўчатлар ва тўт қаламчалари ўтказилиши режалаштирилган. Ҳозирги кунга қадар қарий 8,2 миллион туп турли кўчатлар ўтказилган. Шаҳар ва туман марказлари истироҳат боғларидаги янги экилган кўчатларнинг саноати, қаштан, Қрим қарағайи каби манзарали дархат кўчатлари эса шу кунларда барг чиқара бошлади.

Қизилтепаликларнинг ҳар бири мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан 22 тупдан дархат кўчатларини ўтказишни ният қилган. Ҳозиргача

улар томонидан 1 миллион 300 минг туп мевали ва манзарали дархат кўчатлари, тўт ҳамда саксовул қаламчалари қадалди. Маликчўл ва Уртачўл ҳудудларига экилган тўт кўчатлари эса бу жойларга ўзгача кўрк бағишлаб турибди. — Бир неча йилдан буён 20 сотихлик томорқада кўчат етиштираман, — дейди Узулишкент қишлоғида истиқомат қилувчи Исмоил Ҳожиёв. — Бу йилги экин-тикин мавсумида 20 миллион сўмлик турли кўчатларни ўз эгаларига етказиб бердик. Тез орада бу борадаги ишларни янада кенгайтириш ниятидамыз.

(Давоми 2-бетда.)

«ТАШАББУС — 2013»

Тадбиркорлик тараққий этган юртнинг иқтисодиёти қудратли бўлади. Шаҳар ва қишлоқлар ободонлашади, халқнинг турмуш даражаси янада ортади. Шу боис юртимизда бу борадаги ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аньанага айланган "Ташаббус" кўрик-танлови эса уларнинг салоҳиятини аниқлаб, фаолиятини муносиб баҳолашда муҳим аҳамият касб этаётди.

Ишбилармонлик — тараққиёт кўзгуси

АНДИЖОН. "Ташаббус — 2013" кўрик-танловининг вилоят босқичи доирасида "Ёшлар маркази"да намойиш қилинган ишбилармонлик фаолиятидан ҳикоя қилувчи китобчалар, корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намуналари, видеосуратлар барчада иллик таассурот қолдирди.

Кун бўйи давом этган тадбирда голибларни аниқлаш осон кечмади. Сабаби, ҳар бир иштирокчи совринли ўринга муносиб эди.

(Давоми 2-бетда.)

Орзу-ниятларимга қанот бахш этди

Давлатимиз раҳбарининг Наврў байрами табриғи барчамизни, шу қаторда фидойи деҳқон ва фермерларимизни ҳам тўлқинлантириб, янги утуқлар сари руҳлантириб юборди.

ДИЛ СЎЗИ

Наврў кунлари, табиатга жон қираётган, ер уйғонаётган паллада деҳқон борки, дала бошида режалар тузади, ҳосилни чамалайди, ер билан тиллашади. Ўтган йили кўтарган ҳосилини, йўл қўйган камчиликларини кўз ўнгидан ўтказмади. Эл дастурхонини тўкин, юртимиз фаровон бўлсин, деб яхши ниятлар қилади. Юртбошимизнинг табриғида ҳам ана шу эзгу тилаклар, Наврў билан халқимизнинг эзгу мақсадлари пайваста эканлиги ўз ифодасини топган.

Ҳозирги кунга келиб, фермер том маънода ҳақиқий мулкдорга айланди. Ерга, деҳқончиликка бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Кўрсатилаётган эътибор, рағбат, мадад ва имкониятлар фермерларимизни янги марраларга етакляпти.

Ўтган йили фермерларимизнинг эл-юрт олдига юзи ёруғ бўлди. Бизнинг хўжалигимизда ҳам пахта ҳосилдорлиги 39,6 центнерга, галла ҳосилдорлиги 40 центнерга етказилди. 232 гектар майдонда деҳқончилик қилиб давлатга 494 тонна пахта, 126 тонна галла топширдик. Мўл-кўл мева-сабзавот етиштирдик.

Бу йилги режаларимиз янада улкан. 32 гектар майдонда галла парваришлаймиз. 140 гектар майдон-

га пахта экиш тадбиригизни кўраётимиз. Жорий йилда пахта ҳосилдорлигини 40 центнерга етказиб, галла ҳосилдорлигини 50 центнердан ортиришни мўлжаллаганмыз. Қисқача айтганда, бу йил ҳам бўш келмаймиз.

Наврў — деҳқонларимизнинг қучига қуч қўшадиган байрам. Дала ишлари шу кундан авжига чиқади. Баланд хирмонларга шу кундан умид уйғонади. Пиру бадавлат кексаларимиздан дуо олинади.

Ўтган йилги даромадимиздан ҳомийлик ишларига 3,5 миллион сўм ажратдик. 4 та кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатиб, байрам совгалари улашдик. Хўжалигимиз дала шийпонидида сумалак сайли ўтказиб, дошқозон атрофида ниятлар айтдик. "Кўпнинг дуоси қўл бўлади", деганларидек, эл-юртимизнинг пок ниятлари ижобатини кўриш ҳаммамизга насиб этсин. Зеро, Президентимизнинг беқийс ғамхўрлиги ана шу орзу-умидлар ижобатига, инсон манфаатига қаратилган. Бундай эътибор ва эъзоз улкан довларни эгаллашга замин яратади.

Гулмат ҲАЙИТМЕТОВ,
Ўзбекистон Қоҳрамони,
Гуран туманидаги
«Ҳайитмат ота» фермер хўжалиги раҳбари.

Жануби-Шарқий Осиёда «Road Show» тақдимотлари

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси, "Ўзбектуризм" Миллий компанияси ва Ўзбекистон Хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюشمаси ҳамкорлигида Жануби-Шарқий Осиёнинг Таиланд, Сингапур ва Малайзия сингари мамлакатларида "Road Show" тақдимотлари ташкил этилди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

"Road Show" юртимизнинг сайёҳлик брендини жаҳон бозорига оммалаштириш, туризм соҳасидаги сермаҳсул халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида дунёнинг турли давлатларида кўчма кўргазма ва тақди-

мотлар уюштиришга даъват этилган.

"Road Show"нинг жорий йилдаги тадбирлари Таиланддан бошланди. Яқинда ушбу мамлакатда Ўзбекистон Республикасининг Бангкокдаги Бош консуллиги кўмағида Ўзбекистон

сайёҳлик салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди.

"Anantra Bangkok Satorn" меҳмонхонасида ўтказилган мазкур тадбир чоғида унинг катнашчилари эътиборига юртимизнинг жуғрофий хусусиятлари, унинг бетакор тарихий ва маданий мероси ҳамда ўзбек халқининг ноёб амалий

санъатига оид маълумотлар ҳавола этилди. Шунингдек, қадимги меъморчилик намуналари, Ўзбекистон табиати, ўсимлик ва ҳайвотот дунёсини бевосита ўрганиш имкониятини яратувчи лойиҳалар хусусидаги ахборотлар ҳам Таиланд вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

Ушбу мавзуга бағишланган тақдимот Сингапурда давом этди. Машхур "Swissotel Stamford" бизнес марказида уюштирилган тадбирда Синга-

пурда фаолият кўрсатадиган олтимдан ортиқ сайёҳлик компанияларининг юз нафардан зиёд вакиллари ҳамда таниқли журналистлар қатнашди.

"Road Show" тақдимоти қатнашчилари Ўзбекистон замини бўйлаб турли-туман сайёҳлик дастурлари ҳамда юртимизда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар билан атрофчилик танишдилар.

(Давоми 2-бетда.)

Олий Мажлис Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси олдида

Сўнгги пайтларда телевиденида, босма оммавий ахборот воситаларида Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг фаолиятига бағишланган кўрсатув ва мақолалар мунтазам бериб борилаётган. Уларда қўйилган палаталардаги барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари қонун лойиҳалари ҳамда бошқа долзарб масалалар муҳокамаи чоғида ўз позицияларини қандай илгари сураётгани ҳақида сўз боради. Буларнинг барчаси уларнинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги роли изчил ўсиб бораётганидан далолатдир.

Демократик ислохотларнинг муҳим босқичи

Парламент қўйи палатаси томонидан қабул қилинган ҳамда Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида кўриб чиқиши кутилаётган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун айнан мазкур жараёнида қонунда тақомиллаштириши кўзда тулади.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжат Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан батафсил ўрганиб чиқилди. Сенаторлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонун ижодкорлиги жараёнининг амалдаги қондалари тоқомиллаштириш, сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлик гуруҳларининг қўйи палаталарда қонун лойиҳаларини кўриб чиқишдаги иштирокига оид механизмларни қучайтиришга қаратилган мазкур

Қонуннинг аҳамиятини эътироф этишди. Қонуннинг кучга кириши, шакл-шубҳасиз, ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, уларни муҳокама қилиш ва тақомиллаштиришда депутатларнинг профессионал фаолигини ҳамда сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлик гуруҳларининг ролини оширишга хизмат қилади. Бу қабул қилинаётган ҳужжатларнинг сифатини юксалтиришда ижобий ақсини топади, дейишди сенаторлар ушбу Қонун муҳокамаси чоғида.

Шу ўринда мазкур Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда демократик ислохотларнинг чуқурлашиши, сиёсий партиялар фракцияларининг (депутатлар гуруҳларининг) қонун ижодкорлиги фаолиятини қучайтириш, улар томонидан сиёсий партияларнинг манфаатларини илгари суришини самарали ҳамда янги механизмларини ишлаб

чиқиш, шунингдек, қонун ижроси бўйича парламент назоратини амалга оширишдаги роли ва масъулиятини янада юксалтириш билан бевосита уйғун эканлигини таъкидлаш жоиз.

Қонунда Қонунчилик палатасининг Кенгаши ҳузурида киритилмаган қонун лойиҳалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг кўриб чиқишларини ташкил этувчи, тушган лойиҳаларни рўйхатдан ўтказишни (ҳисобга олишни) амалга ошириши ва кўриб чиқишнинг барча босқичларида уларни кузатиб бориши лозим бўлган Мувofiқлаштирувчи гуруҳ тузиш ҳақида норманинг киритилиши, шакл-шубҳасиз, қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасида кўриб чиқишнинг барча босқичларидан ўз вақтида ўтишини ҳамда келиб тушган қонун лойиҳаларини тақсимлашнинг янада демократик ва ошқора механизмини таъминлайди.

Мазкур Қонун билан сиёсий

партиялар фракциялари (депутатлар гуруҳлари) қонун лойиҳаларини масъул қўмита билан бир вақтда кўриб чиқишга киришишни белгилаб қўйилмоқда. Бу қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқишда сиёсий партиялар фракциялари (депутатлар гуруҳлари)га сиёсий партиянинг дастурий мақсадлари ҳамда электорати манфаатларидан келиб чиқиб ўз позициясини шакллантиришга қўшимча шарт-шароит яратлади. Қонун сиёсий партиялар фракцияларининг (депутатлар гуруҳларининг) қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини фаоллаштиришга, қонун лойиҳасини кўриб чиқишнинг барча босқичларида палата томонидан қабул қилинаётган қарорларга таъсирини оширишга, қонун лойиҳаси бўйича сиёсий партиялар дастурий ҳужжатлари ҳамда сайловчилар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда позициясини ишлаб чиқиш ва илгари суришга шароит яратлади. Қолаверса, сиёсий партиялар фракцияларининг (депутатлар гуруҳларининг) қабул қилинаётган қонунлар сифатини яхшилашдаги роли ва масъулиятининг аҳоли барча қатламлари манфаатларининг ҳисобга олиган ҳолда қучайиши сиёсий партияларнинг ўз электорати олдидаги нуфузини яхшилаш ҳамда мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Эркин РЎЗМЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

БИОМЕТРИК ПАСПОРТЛАР БЕРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Президентимиз Ислам Қаримовнинг 2009 йил 23 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, мамлакатимизда аҳолига халқро намунадаги биометрик паспортлар топшириш давом этмоқда. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон 2015 йил охиригача биометрик паспорт тизимига тўлиқ ўтади.

Мамлакатимиз Халқро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) аъзоси сифатида ўз мажбуриятларига риоя этган ҳолда, биометрик паспорт — электрон ҳаракатланган ҳужжати жорий этилмоқда. Бугунги кунда бундай ҳужжатлар дунёнинг ўттиздан орттиқ давлатида амал қилмоқда. Биометрик паспортнинг ўзига хос асосий хусусати шундаки, у ағасининг рақамли фотосурати ҳамда бармоқлари изи туширилган биометрик параметрлар тўғрисидаги ахборот, шунингдек, зарур биографик маълумотлари ўз ичига олган электрон чип билан таъминланган.

Биометрик маълумотларга эга паспортлар халқро фуқаро аэронавигацияси хавфсизлигини таъминлаш, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни қалбақиллаштиришга қарши ҳимоя даражасини янада ошириш, давлат чегарасидан ўтишда шахсини тезкор ва аниқ идентификациялаш механизмларини тақомиллаштириш, халқро авиаташишлар сифати ва самардорлигини янада яхшилаш, авиайўловчилар учун имкон қадар кўпроқ қулайликлар яратиш мақсадида жорий этилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 5 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низомда халқро талабларга жавоб берадиган ушбу ҳужжатларни бериш билан боғлиқ барча жараён батафсил қайд этилган.

Биометрик паспорт тизимини жорий этиш тасдиқланган жадвал

Анна ИВАНОВА,
УЗА мухбири.

Қисқа сатрларда

● Гулистон шаҳрида "Маҳмуд Достон" хусу-

● Ўзбекистон Миллий матбуот марказида 24 март — Жаҳон сил касалликларига қарши курашиш кунига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда мамлакатимизда сил касаллигининг олдини олиш ва самарали даволаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида журналистларга атрофлича маълумот берилди.

● Шўрчи туманида тadbиркор Собир Бегматов томонидан банкдан ажратилган 80 миллион сўмлик кредит маблағи ҳисобига йил давомида 110 тонна

сий қурилиш корхонаси бунёдкорлари Наврўз байрамга муносиб тўхта ҳозирлашди. Бу ерда юқумли касалликлар шифохонасининг 60 ўринли янги биноси фойдаланишга топширилди.

хўжалик қоғози ишлаб чиқарадиган корхона ишга туширилди. Пировардида 10 нафар киши доимий иш билан таъминланди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.



Кўркем уйлар, файзли хонадонлар

«Давоми. Бошланиш 1-бетда».

Этиборлиси, яшаш учун барча қулайликларга эга бўлган бундай ховлилар соғи йил сайин кўپаяётди. Пулатдархон маҳалласида 2010 йилда 20 та, 2011 йилда 69 та, 2012 йилда 169 та уй-жой фойдаланишга топширилгани бунинг исботидир. Жорий йилда яна 160 та шундай уй қурилиши алақачон бошлаб юборилган.

— Утган йили қурилган анги уйлардан бирига кўчиб ўтдик. — дейди 96 бахорни қаршилаган Аҳмад ота Зоҳидов. — 11 нафар фар-

зандим, 85 нафар неварам, 16 нафар чеварам бор. Ўйлаб кўрсам, умрим фарзандларимга уй-жой қуриб бериш билан ўтибди. Лекин бу уйлардаги шароит тушимизга ҳам кирмаган эди. Қаранг, қишда иссиқ, ёзда салқин, кенг ховлиси ҳам бор. Бариси, айниқса, бизга ўхшаш қариялар учун жуда қулай. — Қирқдархон массиви маҳалламиздаги энг гўзал маскан ҳисобланади, — дейди "Пулатдархон" маҳалла фуқаролар йигини раиси Соҳиб Абдиев. — Маҳалла обод, хонадон файзли, турмуш фаровон бўлса, аҳоли ҳам ахил,

тинч-осуда яшар экан. Олдий ми-сол. Утган йили маҳалламизда биронта ноҳия ҳолат рўй бермади. Учаска инспекторлари, маҳалла фаоллари ҳамкорликда тушунтириш ишларини яхши йўлга қўйишгани, қолаверса, одамларимиз ҳаёти фаровонлашгани тўғрисида бунга эришдик. Шу боис ақинда Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказилган "Намунали милличи таянч пункти" республика қўриқ-танловида бизнинг маҳалладаги МТП қолиб, деб топилди. "Ма-тиш" автомашинаси билан муқофотланди. Бунда учаска инспек-

Боғ-роғлар кўпаяди

«Давоми. Бошланиш 1-бетда».

Хоразмда ҳам "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича пухта чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Унга қўра, вилоят бўйича 7 миллион 980 миң туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш мўлжалланган бўлиб, амалда 8 миллион 345 миң туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Айни чоғда улар агротехника қондалари асосида парвартишланмоқда. Богот, Ҳазорасп, Хива туманларида 900 гектарлик саксовулзорлар барпо этиш юмушлари бошлаб юборилди.



— Халқимиз азалдан кўчат экиб, боғ яратишни савобли иш, деб билди. — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бўлим бошлиғи Дилшод Обиджоно. — Бундан бахорги экиш мавсумида боғдон ва фермерларимиз, умуман, вилоятимиз аҳолиси томонидан янги боғ ва гулзорлар ташкил этилаётгани мисолда яққол кўриш мумкин. Жумладан, фермер хўжалиқларида 80 гектарлик боғлар яратилди. Шундан 30 гектари интенсив боғлар, 43 гектари тоқзорлардир. Шу билан бирга, 172 гектар кам ҳосилли, яроқсиз боғлар ва 195 гектар тоқзорларни реконструкция қилиш ишлари давом эттирилмоқда. Бунинг учун зарур ресурслар ва бошқа материаллар вақтида жойларга етказиб берилаяпти.

— Урганч шаҳри маҳаллалари янада обод бўлаётгани, кўп қаватли уйлар атрофи боғ-роғга айланганлигидан кишини қувонтиради, — дейди меҳнат фаҳрийси Қодир Раҳмонов. — Агар ҳар бир одам биттадан дарахт экиб, унинг парвартиши назоратга олса, қанча боғлар қўпаяди. Бу, ўз навбатида, дастурхонимиз тўқин, турмушимиз бундан-да обод бўлади, деганидир.

Ободонаштириш ва қўламазорлаштириш тадбирлари жойларда давом этмоқда.

Вилоят мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.

«Давоми. Бошланиш 1-бетда».

Бетақдор ўлкамиз бағрида жойлашган қўча шаҳарлар ва бутун дунёга машҳур қади-мий ёдгорликлар ҳақида ҳикоя қилювчи ахборот материаллари ҳамда рисоалар тадбир меҳмонларига тақдим этилгани баробарида, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти тўғрисидаги ҳужжатли фильм ҳам уларнинг эътиборига намойиш қилинди. Жорий йилнинг кузида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси томонидан "Тошкент — Сингапур — Тошкент" йўналиши

ликдан орттиқ сайёҳлик компанияси вакиллари ҳозир бўлдилар.

Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси раиси О. Жалилов тақдирот қатнашчилари қутлар экан, меҳмонларни Ўзбекистонга сайёҳлар оқимини қўпайтириш юзасидан уюшма томонидан олиб борилаётган ишлар билан таништирди. Шунингдек, у мамлакатимизда сайёҳликнинг тиббий, экологик, маданий-матридий сайёҳлик, альпинизм сингари янги турлари ҳам тобора ривожланиб бораётганини алоҳида қайд этди.

Жануби-Шарқий Осиёда «Road Show» тақдимотлари

бўйлаб мунтазам ҳаво қатновларининг йўлга қўйилиши ҳақидаги хабар эса тақдирот иштирокчиларининг олқишларига сазовор бўлди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Сингапур Сайёҳлик агентликлари миллий уюшмасининг ижро-чи директори вазифасини бажарувчи Патриция Айонг қадим ва бой тарихга эга Ўзбекистон Шарқинг ҳақиқий марвариди эканлиги ҳамда ЮНЕСКО Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган юртимиз заминидида обидалар бутун дунёга машҳурлигини қайд этди. "Шу маънода, уюшмамиз Ўзбекистон ва Сингапур компанияларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги йўлга қўйишга булган интилишларини тўла қўллаб-қувватлайди ва умид қиламизки, бугунги "Road Show" тақдимоти икки мамлакатнинг бу соҳадаги узоқ мудатдаги муносабатларига пойдевор бўлади", деди П. Айонг.

Сўнгра Ўзбекистон Республикаси делегацияси томонидан "Road Show" тақдимоти Малайзияда ўтказилди. Мамлакат пойтахти Куала-Лумпурда жойлашган "Ritz Carlton" меҳмонхонасида Малайзиянинг эл-

Малайзия Сайёҳлик вазирлигининг мабуот қотиби Юлдуз Эмилоғлу бекиёз гўзалликка эга Ўзбекистон заминиди дунё сайёҳларини қишда ҳам, ёзда ҳам бирдай ўзига жалб қилаётганини эътироф этди. Юртимиз заминидида осмонга бўй чўзган улкан тоғлар, бетақдор табиат манзаралари, ўрмонлар, саҳролар, дала-дашлар, буларнинг барчаси, унинг сузулари қараганда, малайзияликларни ўзига оҳанрабодади тортади. Ю. Эмилоғлу "Road Show" лойиҳасига юқори баҳо берад экан, у жаҳон ҳамжамиятини Ўзбекистон билан янада яқинроқ таништириши баробарида, Ўзбекистон сайёҳлик инфратузилмасига киритилмаган чет эл сармоғлари микдори-нинг ошишига ҳам хизмат қилишини таъкидлади.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари "Road Show" лойиҳаси доирасида Таиланд, Сингапур ва Малайзия сайёҳлик компаниялари билан муносабатлар ўтказишди. Унда ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни ривожлантириш, қўшма маркетинг тақдиротлари ва сайёҳлик тадбирларини ташкил этиш тўғрисидаги келишуларга эришилди.

«Жаҳон» АА.

торимиз Абдусобир Ботировнинг муносиб ҳиссаси бор, албатта. Маҳалла ҳудудида иқтимоий соҳа объектлари билан бир қаторда, санаот корхоналари ҳам ишга туширилиб, таъмирланган ҳолатда қўриқилди. Хусусан, бу ерда баҳмал, тиббиёт пахтаси ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган замонавий корхоналар, пишиқ гишт, оҳак ва бошқа қурилиш материаллари тайёрланадиган цехлар, шунингдек, қўллаб-қувватланадиган иссиқхоналар ташкил этилгани аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда қўп келяпти. Шу билан бирга, уй-жойлар қурилишида 800 нафардан зиёд маҳалла фуқаролари иштирок этаяпти.

— Обод турмуш йилини янги уйимизда қутиб олдик, — дейди Гулбахор Абдураҳимова. — Бу турар-жойларни лойиҳалаштиришда биз, уй бекаларига қулайлик яратишга алоҳида эътибор қаратилган экан. Турмуш ўртоғим ва фарзандларим билан раҳат қилиб яшаганмиз. Исти-тиш тармоқлари яхши ишлайди. Ошонча, меҳмонхона, дам олиш хонаси, хуллас, барча-барчаси ўзбекона урф-одатларимизга мос равишда қурилган. Бизга шундай шароитни яратиб берганларга раҳмат!

Дарҳақиқат, бугун Пулатдархон маҳалласида бўлган киши Қирқдархон массивида фойдаланишга топширилган уйларни, қурилиши жадал олиб борилаётган янги иморатларни кўриб, кўнгли тоғдек қўтарилиши, шубҳасиз.

Мамадийер ЗЕДИНОВ,
Шоумурот ШАРАПОВ (суратлар),
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Ишбилармонлик — тараққиёт кўзгуси

«Давоми. Бошланиш 1-бетда».

Ҳайъат аъзолари корхоналарнинг йил давомидаги молиявий кўрсаткичларига, замонавий технологиялар билан жиҳозланганлигига, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқарилиши ҳамда иш ўринлари яратилишига алоҳида эътибор қаратдилар.

Қўнғий натижага қўра, Андижон туманидаги "Rubber frast" хусусий корхонаси етакчиси Абдуҳисон Исмомов "Энг яхши тadbиркор", Избоскан туманидаги "Жонобод чор-васи" фермер хўжалиғи раҳбари Азизбек Даминов "Энг яхши фермер", Андижон шаҳрида фаолият юритаётган миллий чоғу асбоблари ўсти Абудумалик Мадррахимов "Энг яхши хунарманд" йўналиши бўйича қолиб бўлдилар.

Одилжон ШОДНОАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БУХОРО. Танловнинг вилоят босқичи инновацион гоғларга бойлиғи, оилавий бизнесни оқилонга йўлга қўйган тadbиркорлар қўлиги билан янада аҳамиятли бўлди. Тадбирда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида қолиб чиққан қирқ нафар яқин тadbиркор фермер ва хунарманд ўзаро беллашди.

Ўқунда Жоңдор туманидаги "Жондор чашмаси" корхонаси раҳбари Мамлакат Тошевва "Энг яхши тadbиркор" деб топилди. "Энг яхши фермер" номинацияси қолибқолишига Олот туманидаги "Байрам Хайдар" фермер хўжалиғи раҳбари Беҳзод Хайдаров муносиб қўрилди. Бухоро шаҳрида яшовчи моҳир зардўз Маҳфуза Салимова эса "Энг яхши хунарманд" дея эътироф этилди. Шунингдек, бир қатор номинациялар қолибқолиши номи ҳам эълон қилинди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФАРФОНА. Тадбиркорлар, фермерлар, хунармандлар ўртасида ўтказилаётган "Ташаббус — 2013" кўриқ-танловининг вилоят босқичи қўтаринки рунда кеңди. Тадбирда шаҳар ва туманлардан 70 дан зиёд хўжалик юритувчи субъектлар қатнашгани бунинг исботидир.

Танловда иштирокчиларнинг ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб этиши, қўп тармоқли фермер хўжалиқларини ташкил қилиш, миллий хунармандчиликнинг ноёб турларини қайта тиклаш борасидаги изланишларига алоҳида эътибор берилди. Натижада "Энг яхши тadbиркор" номинацияси бўйича Учқўприқ туманидаги "Меҳриғиё" корхонаси раҳбари Маърузжон Қодиров, "Энг яхши фермер" номинацияси бўйича Риштон туманидаги "Шоҳ Ойбек хисори" фермер хўжалиғи раҳбари Абдусатор Кўчқоров, "Энг яхши хунарманд" йўналиши бўйича эса марғулолик Абдухамид Мамадалиев қолиб, деб топилди.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: «Обод турмуш йили» Давлат дастурини амалга оширишда ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлашга, бандлигини оширишга, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантиришга, аҳоли турли қатламларига манзилли иқтимоий кўмак кўрсатишга йўналтирилган бошқа иқтимоий аҳамиятга эга дастурларни бажаришда ННТ ва давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органларининг ўзаро иқтимоий шерклигини қучайтириш.

Халқ хунармандчилигини, тadbиркорлик фаолиятининг бошқа шаклларини ривожлантиришга янада қўмақлашиш; — ёшларни, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртилари биттирувчиларини тadbиркорлик фаолиятига янада кенгроқ жалб этиш учун шароитлар яратишга ёрдам бериш; — аёллар ва ёшларнинг иқтимоий фаолиятини янада ошириш, узоқ туманлар ва қишлоқ ҳудудларида уларнинг касбий таълимни сифатини яхшилаш; — жамиятимизнинг маънавий асосларини янада ривожлантиришда оила-нинг роли ва аҳамиятини оширишга, жамиятимизда азалий миллий қадриятларимиз ва анъаналаримиз, одоб-ахлоқ тамойиллари ва соғлом турмуш тарзининг янада мустаҳкамлаанишига қўмақлашиш; — аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантириш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш.

Танловда қатнашиш учун қўлидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Жамоат фонди номига грант лойиҳаси тақдим этилаётганлиғи ҳақидаги қузатув хати;
2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант олиш учун лойиҳа ва унинг CD-дискидидаги электрон варианты;
3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
4. Низом нусхаси (ташкilot муҳри

билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратилмаган грант микдори — 15 миллион сўмгача. ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши ва иқтимоий шерклик қўллаб-қувватланади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин. Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган қондан бошлаб 2013 йил 22 апрель, суат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳқўчаси, 1-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефон рақамлари: (8-371) 239-26-76, 239-26-64.

Реклама ўрнида



Давлатимиз раҳбари 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида республикамиз молия-банк тизимида қўлга киритилаётган ижобий ўзгариш ҳамда ютуқларни мамнуният билан эътироф этди. Дарҳақиқат, юртимизда кейинги йилларда ушбу соҳани такомиллаштириш, молия муассасаларининг мижоз билан ишлаш жараёнини янада яхшилаш мақсадида олиб борилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Бунинг билан "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Яқин ҳамкор, ишончли кўмакдош

Мазкур банк ўзининг қарийб етти йиллик фаолияти давомида барқарор ва ишончли молия ташкилоти сифатида юртдошларимизнинг тўла ишончини қозонди. Зеро, Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони асосида иш бошлаган бу молиявий муассаса асосий эътиборни, энг аввало, юртимизнинг чекка туманлари, олис қишлоқ ва овуллари аҳолисини барча турдаги банк хизмати билан қўллаб-қувватлашга қаратди. Натижада ўтган давр мобайнида у республикамизнинг энг олис худудларига кирадириб борди. Бугунги кунга келиб унинг 84 та филиали, 188 та минибанки ва қўллаб агентликлар томонидан турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларга кенг қўламадаги банк хизматлари кўрсатилаётгани ана шундан далолат беради.

Айниқса, Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизimini янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Пировардида 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг жами капитали 176 миллиард сўми, жумладан, банкнинг шакланган устав капитали миқдори 160,2 миллиард сўми ташкил этди. Яъни бу кўрсаткич молия муассасаси тузилгандан буён 2,2 баробарга ошди.

Шунингдек, банк активлари жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 589 миллиард сўмга етиб, унинг таркибидаги даромад келтирувчи активлар миқдори ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,2 баробарга ортди. Банк капиталининг ошиши, ўз навбатида, мижозлар сони кўпайишига ҳам замин яратди.

Айни чоғда ўтган йили банк активларининг 442,3 миллиард сўми ёки 75,1 фоизи кредит қўйилмалари ҳиссасига тўғри келди. Шундан қисқа муддатли кредитлар 112 миллиард сўм ёки умумий қўйилмалардаги улуши 25 фоизни, узоқ муддатли кредитлар эса 330,2 миллиард сўм ёки умумий қўйилмалардаги улуши 75 фоизни ташкил қилди. Бунинг тармоқлар бўйича таҳлил этадиган бўлсак, саноатга 74,1 миллиард, қишлоқ хўжалигига 153,8 миллиард, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасига 116,2 миллиард ҳамда бошқа соҳаларга 98,2 миллиард сўм маблаг йўналтирилди.

Кичик бизнес — оила фаровонлиги омили

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик молиявий қўллаб-қувватлаш "Микрокредитбанк" фаолиятининг асо-

микромолиявий хизматлар эса 204,7 миллиард сўмга етказиб, белгиланган прогноз-кўрсаткич ижроси 101 фоизга бажарилди. Мазкур кредитлар ҳисобига 105 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.

Бундан ташқари, 2012 йил-




ий йўналишларидан ҳисобланади. Бу борада, хусусан, Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим дастуриламал бўлмоқда. Гап шундаки, ушбу ҳужжатга биноан, юртимизда тадбиркорларга энг паст фозиларда микрокредитлар ажратиш, микролизинг хизматлари кўрсатиш жорий этилди. Шу билан бирга, банк устав капитали кўпайтирилди. Бунинг самараси ўларок, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 1,2 триллион сўм миқдорига кредитлар берилган ҳолда, 707 миллиард сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилди.

Банк томонидан, шунингдек, иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитлар миқдори 381,9 миллиард сўм ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган имтиёзли


ри қатнашдики, яқунда ёш тадбиркорларнинг деярли барчаси (98,5 фоизи) микромолиявий хизматлар, имтиёзли кредитлар тўғрисида маълумотга эгалиги маълум бўлди.

Ёш тадбиркор ва коллеж битирувчиларини қўллаб-қувватлашга ажратилган кредитлар миқдори (млрд. сўм)



га маблағлар берилиши ҳамда оилавий тадбиркорлик субъектларига 24,4 миллиард сўм миқдоридан имтиёзли кредитлар ажратилди.

Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун 18,8 миллиард сўм миқдоридан имтиёзли кредитлар берилиши



тадбиркорлик субъектларига яратилган имтиёزلар хусусида вазириликлар, жумладан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда семинарлар уюштирилиб, уларда шу соҳа билан шугулланиш ниятида бўлган ёшларга, хотин-қизларга микрокредитлар олиш ҳуқуқини берувчи банк сертификатлари топширилмоқда. Қолаверса, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси билан ҳамкорликда имзоланган Қўшма қарор асосида "Мулкдор оила", "Камолот" ЁИҲ Марказий кенгаши билан ҳамкорликда "Ёш тадбиркор — юртга маддадор", "Менин бизнес ғоям" ҳамда Марказий банк, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда "Диплом билан бизнесга", "Бир тадбиркор — учта ҳамкор" лойиҳалари ҳаётга татбиқ қилинаётир.

Бундай кенг қўламли саяё-ҳаракатлар, аниқроғи, банк эришган ютуқлар кўпчилиги томонидан эътироф этилмоқда. Жумладан, "Ижтимоий фикр" маркази ташаббуси билан ўтказилган "Микрокредитбанк" — жамоатчилик кўзгусида" номли сўровнома доирасида 1000 дан ортиқ респондентлар ва коллеж битирувчилари қатнашдики, яқунда ёш тадбиркорларнинг деярли барчаси (98,5 фоизи) микромолиявий хизматлар, имтиёзли кредитлар тўғрисида маълумотга эгалиги маълум бўлди.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси юзасидан "Энг яхши оилавий бизнес лойиҳаси" танлови ўтказилди. Шунингдек, "Оила фаровонлиги учун" хизматлар

лаб берилгани туфайли 18 минг 600 та иш ўрни барпо этилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва БМТнинг Аёллар ривожланиш жамғармаси (ЮНИФЕМ) билан ҳамкорликдаги "Аёлларнинг иқтисодий ҳуқуқларини ошириш" лойиҳасининг 1-босқичи муваффақиятли яқунланганлигини ҳам мамнуният билан айтиш мумкин. Зотан, унга кўра, учта вилоятнинг манзилли туманларида аёл тадбиркорлар учун семинарлар ташкил этилиб,

уна тенглаштирилган тўловлар тўланиши доимий эътиборда бўлди. Натижада кассаларга 675,2 миллиард сўм нақд пул кириш қилинди.


Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини жамғармалар ва муддатли омонатларга жалб этиш учун эса банк филиалларида 19 турдаги омонат жорий этилди. Йил якунига келиб, аҳоли омонатлари сўми ташкил этдики, бу кўрсаткич 2012 йил бошидагига нисбатан 19,7 миллиард сўм ёки 33 фоизга кўпидир.

Мижозлар билан ўрнатилган бундай ишончли ҳамкорлик ўз вақтида эътироф этилаётгани эътиборга лойиқ. Масалан, 2012 йилда республика тижорат банклари ўртасида ўтказилган танловда "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки "Аҳоли учун энг яхши инновацион маҳсулот" номинация-

рилди. Сервис хизмати кўрсатишга доир лойиҳаларни молиялаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур йўналишда 48 миллиард сўмлик кредитлар ажратилган бўлиб, шундан имтиёзли микрокредит миқдори 21 миллиард сўмдан ортди. Банк кредитлари ҳисобига сервис соҳасида яратилган иш ўринлари сони эса 17 мингтага етказилди.

Фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида ҳам банк томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Мисол учун, ўтган йили 7434 та фермер хўжалигига 218 минг гектар экин майдонида галла етиштириш харажатларини молиялаштириш учун 82,8 миллиард сўмлик, 7444 та фермер хўжалигига 267 минг гектар ерда пахта етиштириш харажатларини молиялаштириш учун 286,4 миллиард сўмлик имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Мазкур кредитлар ҳисобига давлат эътиёжлари учун фермер хўжаликлари томонидан 550 минг тоннадан зиёд дон ва 700 минг тоннадан зиёд пахта хом ашёси етказиб берилди. Бошқача айтганда, мамлакатимизда

Аҳоли омонатлари (млрд. сўм)



Шу ўринда Давлат дастури ижроси юзасидан ёш оилаларга 13,9 миллиард сўмлик истеъмоладан қайтарилган имтиёзли кредитларини қайтарилган лозим. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 17 апрелдаги "Оилаларнинг ижтимоий-маънавий шароитларини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган электр машинаси техника товарлари харидига ажратилган истеъмоладан қайтарилган имтиёзли кредит миқдори 4,1 миллиард сўми ташкил этди. Аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 43 миллиард сўм миқдорига кредит-

Мижоз манфаати устувор

2012 йилда пул муомаласини барқарорлаштириш, банкдан ташқари пул айланмасини янада қисқартириш, нақд пул маблағларининг кассаларга келиб тушишини таъминлаш мақсадида ҳам бир қатор ишлар рўёбга чиқарилди. Жумладан, мижозларга нақд пул, пенсия, бюджет ташкилотлари ва бошқа хўжалик субъектларига иш ҳақи,



уна тенглаштирилган тўловлар тўланиши доимий эътиборда бўлди. Натижада кассаларга 675,2 миллиард сўм нақд пул кириш қилинди.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини жамғармалар ва муддатли омонатларга жалб этиш учун эса банк филиалларида 19 турдаги омонат жорий этилди. Йил якунига келиб, аҳоли омонатлари сўми ташкил этдики, бу кўрсаткич 2012 йил бошидагига нисбатан 19,7 миллиард сўм ёки 33 фоизга кўпидир.

Мижозлар билан ўрнатилган бундай ишончли ҳамкорлик ўз вақтида эътироф этилаётгани эътиборга лойиқ. Масалан, 2012 йилда республика тижорат банклари ўртасида ўтказилган танловда "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки "Аҳоли учун энг яхши инновацион маҳсулот" номинация-

Банк капитали (млрд. сўм)



сида қолиб деб топилган бўлса, банкнинг Навоий вилояти Кармана филиалига қарашли "Ҳазора" минибанки "Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича 2012 йилнинг энг яхши минибанки" номинациясида биринчи даражали диплом билан тақдирланди.

Замонавий, қулай ва тезкор

Банк томонидан нақд пул-сиз ҳисоб-китоблар тизimini кенгайтириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Айтайлик, ўтган йили 60 мингтага яқин пластик карточкалар муо-

лага чиқарилиб, уларнинг умумий сони 439 минг донадан оширилди. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ташкилотларга ўрнатилган терминаллар сони 7 минг 123 тани, мавжуд терминаллар орқали ўтказилган савдо айланмаси миқдори эса қарийб 2 баробар кўпайиб, 658 миллиард сўмни ташкил этди. Айни чоғда 11 минг 967 та корхона ва бир минг 448 та бюджет ташкилотига иш ҳақи лойиҳалари бўйича сифатли хизматлар кўрсатилди.

Жисмоний шахслар учун эса иккита замонавий интерактив хизмат тури жорий қилинган ҳолда, юридик шахсларга "Банк-мижоз", "SMS-банкнинг", "Интернет-банкнинг" ва жисмоний шахсларга "Омонат-SMS",

"SMS-Тўлов", "Мобиль-банкнинг", "Интернет-банкнинг" ма-софавий интерактив хизматлари кўрсатилаётгани ҳам барчага манзур бўлмоқда.

Фаолиятнинг халқаро эътирофи

Банк фаолиятига бир қатор хорижий молиявий ташкилотлар, жумладан, "Fitch Ratings" компанияси халқаро қабул қилинган мезонларга биноан, мунтазам равишда ижобий баҳо бериб келмоқда. Мазкур рейтинг компанияси банкнинг 2012 йилдаги фаолияти бўйича "В" — "Барқарор" рейтингини тақдим этган бўлса, жорий йил февраль ойида банкнинг "В" — "Барқарор" рейтингини қайта тасдиқлагани, молиявий хисоботлари халқаро стандартларга мувофиқ ташкил этилиши эса "Deloitte and Touche" халқаро аудиторлик компанияси текширувида ижобий баҳо олгани бунинг тасдиғидир.

Бундан ташқари, Бутунжаҳон микромолиявий ташкилотларининг ахборот алмашинуви бўйича "Mix-market" агентлигининг 2012 йилдаги рейтингига кўра, "Микрокредит-

банк" микромолиявий хизматлар кўрсатишда юқори кўрсаткичларни таъминлаб келаётган 5 олмосли микромолиявий хизматлар кўрсатувчи банк сифатида эътироф этилган бўлса, 2012 йил 28 ноябрда Лондон шаҳрида "The Banker" журнали томонидан ўтказилган "Bank of The Year Awards — 2012", яъни "Йилнинг энг яхши банки"ни тақдирлаш маросимида "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки "Ўзбекистоннинг энг яхши банки" номинацияси бўйича қолиб, деб топилди.

Ўтган йилнинг апрель ойида, Голландиянинг Амстердам шаҳрида бўлиб ўтган Ёшлар молиялашни ривожлантириш ташкилотининг биринчи халқаро саммитида "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки ёшларга молиявий хизматлар кўрсатиш ва таълим дастурлари учун шарт-шароит яратиш бўйича етакчи ўринда экани, болалар ва ёшлар лойиҳаларини молиялаш каби йўналишларни ташкил этаётган биринчи банк сифатида баҳоланди.

Умумжаҳон микромолиялаш марказининг 2012 йил май ойида Грузияда ўтказилган йиллик саммити ва конференциясида эса банк ўзининг итисослаштирилган микромолиявий модели билан муносиб қатнашди.

Мухтасар айтганда, "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни муваффақиятли давом эттириш йўлида изчил фаолият юритмоқда. Бу эса мижозларнинг унга бўлган ишончини ошириш баробарида, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилаётир.

Банк матбуот хизмати.

Боқий анъаналаримизга эҳтиром



Хабарингиз бор, бу йил Навоий вилоятининг Навбахор туманидаги қадимий Сармишсой манзилгоҳида "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали ўтказилади. Мана, бир неча йилдирки, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилаётган маъмурий тадбир нафақат юртимиз, балки халқаро миқёсда ҳам юксак эътироф қозонмоқда. Бунинг боиси, ушбу нуфузли фестивалда буюқ ўтмишимиз ва бебаҳо маданиятимиз намуналарининг бутун жозибаси ёрқин намоён бўлади.

Бу гал мафтунок Сармишсойдаги тадбир ҳам унутилмас таассуротларга бой кечиши, шубҳасиз. Анъанага мувофиқ, айни дамда фестивалга қизгин ҳозирлик кўрилиб, санъат ва маданият анжумани иштирокчилария меҳмонларини муносиб кутиб олиш учун барча шарт-шароит муҳайё қилинмоқда.

Энг асосийси, ушбу манзилнинг гўзал ва бетакорр табиати, ўтмиш саҳобатини ўзида акс эттирган тарихий қадамжолари тадбир мазмун-моҳиятига ҳамоҳанглик. Бинобарин, фестиваль кунлари бу ерда миллий хунармандчиликми, аждодлардан мерос урф-одат, анъаналаримиз, кўхна санъатимиз дурдоналари намойиш қилиниб, халқ оғзаки ижодининг ўлмас намуналари ҳисобланмиш лапарлар, ўлану ёр-ёрлар ижро этилади. Тадбирнинг асосий дастуридан жой олган кўрғазма ва экспозициялар, беллашув ҳамда илмий анжуманларда юртимиздаги тарихий ижодкорлар, ёш санъаткорлар, олимлар, мода ҳамда дизайн намоёндалари, пазандю ошпазлар қатнашиши кўтилмоқда.

Маълумки, Зарафшон воҳасида жойлашган Навоий вилоятда асрлар давомида эъзозланиб келинаётган бири-бирдан

мазмундор урф-одатлар, анъаналар бор. Табиийки, фестивалда ана шундай маданий бойликларимиз, ноёб амалий санъат намуналари, устоз шогирдлар ижоди билан яқиндан танишиш мумкин.

— "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивалининг ҳар йилги тантанасида иштирок этман, — дейди хунарманд Рухсора Тўрақуллова. — Бу йилги ўзимизнинг вилоятда бўлганлиги учун ҳам тадбирга алоҳида тайёргарлик кўрайман. Устаханамизда ишлаётган 20 нафарга яқин чевар қизлар ҳам фестивалда қатнашади. Улар билан биргаликда тикаётган бодом нуха, қалампир нуха кашталаримизни фестивал доирасидаги кўрғазма-ярмаркаларда намойиш этишимиз. Бундай илмий тадбирларда хорижликлар ишларимизни кўриб ҳайратланишар, айниқса, табиий йўл билан олинадиган ипакаримиз, уларнинг қадимий рангларини мўъжиза, дея эътироф этишарди. Қувонарлиси, тез орада фестиваль тўғрисидаги миллий меросимиз, кўхна ва бебаҳо қадриятларимиз билан яна бир бор гурурланиш бахтига муяссар бўламиз.

Аслида ҳам, олис ўтмишга, буюқ давлатчилигимизнинг илк тарихий илдизларига бориб тақаладиган Зарафшон воҳаси асрий анъаналари билан оламга машҳур эканлиги барчамизнинг фахримиздир. Ёдингизда бўлса, бундан бир неча йил муқаддам Кармана туманида жойлашган "Работи Малик" карвонсаройини қайта тиклаш гоёси турилган пайтда кўпчилик тарихчи олим-

лар аждодларимиз закосига тан берган эдилар. Чунки маъмурий тадбирнинг меъморий тўзилиши ўрганилганда, бу ердаги ҳаммомлар, отхоналар, савдо қарвонлари учун яратилган қулайликлар билан бирга, ўрта саҳнда каттагина аукцион (қиммодини савдоси ўтказишга мўлжалланган) ҳам бунёд этилган бўлди. Ёхуд Нурота чашмасини олайлик. Бу табаррук қадамчо юртимиз Яратганининг назари тушган жаннатмонанд мақом эканлигини даъво қилиш мумкин.

Яқинда иштирокчиларга ташкилотчилар томонидан байрам совғалари топширилди.

Эътироф этиш жоизки, бугун вилоятдаги ҳар бир туманининг ўзига хос миллий урф-одатлари, бетакорр услубга эга сангтароши, темирчиси, қулолу гилам тўқувчиси, заргару зардулари бор. Шу маънода, "Асрлар садоси — 2013" фестивали воҳа аҳлининг бебаҳо санъатидан сўз очувчи ўзига хос тадбир, ёрқин рангларга бой ажойиб анжуман, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бухоро томонларда

Бухоро шаҳрида "Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми" ННТ худудий жамоатчилик кенгаши томонидан "Қариялар минг эъзода" хайрия акцияси ташкил этилди.

«Ўзбекистон — менинг уйим»

Наврўз байрами муносабати билан "Ўзбекистон — менинг уйим" шiori остида ўтказилган ободонлаштириш ийлиги доирасида уюштирилган бу тадбирга кексалар ва кам таъминланган оилалар вакиллари таклиф қилинди. Ўқувчи ва талабалар ҳамда хаваскор санъаткорлар ижросидаги она-Ватан, Наврўз ва тинчликни мадҳ этувчи шеър, куй-қўшиқлар кечага ўзгача шукўқ бағишлади.

Кўклам тадбирлари

Бухоро вилоятида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими томонидан уюштирилган "Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар" фестивали якунига етди.

Наврўз муносабати билан ташкил этилган тадбирлар доирасида миллий ўйинлар спорт мусобақаси, расмлар танлови ҳамда варрактлар сайли, миллий таомлар кўрғазмалари ўтказилди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАРАЁН

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар туфайли иқтисодийнинг барча соҳаларида барқарор ўсиш суръатлари кузатишмоқда. Буни тармоқларни маблағ билан таъминлаш, инвестициявий жараёнларни янада жадаллаштириш, ишлаб чиқариш субъектларини қайта жиҳозлаш, истиқболли лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, тўловларни тезкор амалга оширишга қаратилган банк тизимидаги ўзгаришлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, Давлат-тижорат Халқ банкининг Андижон вилояти филиали жамоаси бу борда ибратли фаолият юритмоқда.

— Бугунги кунда тадбиркорликни ривожлантиришда молия муассасаларининг мадади қўл келмаётгани айни ҳақиқат, — дейди Хўжаобод туманидаги "Абу-трикотаж" хусусий корхонаси раҳбари Сабоҳиддин Ёрқинов. — Масалан, ўзимиздан қиёс: Халқ банкининг молиявий қўмаги билан тикувчиликка ихтисослаштирилган кичик корхона ташкил этилди. Яқинда яна 150 миллион сўм миқдоридagi кредит эвазига хориждан замонавий тикиш-бичиш ускуналарини харид қилдик. Натижада махсуслаштирилган тури кўлайиб, қўшимча равишда 15 нафар йигит-қизни иш билан таъминладик. Қисқача айтганда, хозиргача тадбиркорлик борасида неки муваффақиятларга эришган бўлсак, ҳаммаси мазкур молия муассасаси ёрдами туфайлидир.

Дарҳақиқат, вилоятда Халқ банки билан ҳамкорлик қилган ҳолда, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, элу юртига наф келтираётган ишбилармонлар бисёр. Айтайлик, тадбиркор Сардор Алимов банкининг Асака филиали томонидан ажратилган 55 миллион сўм миқдоридagi кредит ҳисобига ашиқ-ром ишлаб чиқараётган бўлса, Андижон тумани филиали мижози Дилдорхон Полизова 13,5 миллион сўм маблағ эвазига чинни буюмлар тайёрлашни ўзлаштирди.

Банк филиали томонидан "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида ишлаб чиқилган махсус дастур асосида оилавий тадбиркорликни, шу жумладан, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш буйича амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Хозирча қадар 100 дан ортиқ қасаначилик иш ўринлари яратилгани, умуман, ўтган йили банк филиали томонидан оилавий тадбиркорлар учун 823 миллион сўмлик кредит

ажратилгани, жорий йилда эса бу миқдорни қарий бир миллиард сўмга етказиш кўзда тутилаётгани ана шундан далolat беради.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда ободонлаштириш, бунёдкорлик ва хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширилаётган иш-

ларда намунавий лойиҳалар асосида курилаётган замонавий уй-жой эгалари учун ўтган икки ой мобайнида бир миллиард 273,5 миллион сўмлик маблағ бошланғич бадал сифатида ажратилди. Бу — жорий йилда маъмурий ва хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширилаётган иш-

лардан ташқари, ҳудуд ёшларини тадбиркорликка жалб этиш масаласи ҳам банк жамоасининг доимий диққат-эътиборида. Мана, бир неча йилдирки, Шаҳрихон туманидаги маъмурий хизмат ва касб-хунар коллежи филиал оталиғида. Бу ҳамкорлик натижаси ўларок, коллеж қошида кичик чех ташкил этилган бўлиб, ўқувчилар унда меҳнат қилаётган малакали мутахассислар ёрдамида ўз билимларини амалиётда қўллашмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ёшлар билан алоқаларни мустаҳкамлашда ўқув даргоҳларида мунтазам учрашув ва тадбирлар уюштирилиб, улларга тадбиркорлик, шунингдек, кредитни мақсадли ишлатиш хусусида маслаҳатлар берилаётгани айни мuddао бўлмоқда.

— Бир неча йилдан буён

Мухтасар айтганда, Халқ банкининг Андижон вилояти филиали ходимлари бор билим ҳамда тажрибаларини мижозларга самарали хизмат кўрсатиш, тадбиркорларга молиявий таъминлаш, ҳудудда ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга йўналтираётгани, бундай саъй-ҳаракатлар замирида эса аҳоли турмушини фаровон ва обод қилиш, юртимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантиришдек эзгу мақсадлар муваффақ эканлиги бугун ўз самарасини бермоқда.

Д. УЛУҒМУРОДОВ.

Ёшлар билан ҳамнафас

Бундан ташқари, ҳудуд ёшларини тадбиркорликка жалб этиш масаласи ҳам банк жамоасининг доимий диққат-эътиборида. Мана, бир неча йилдирки, Шаҳрихон туманидаги маъмурий хизмат ва касб-хунар коллежи филиал оталиғида. Бу ҳамкорлик натижаси ўларок, коллеж қошида кичик чех ташкил этилган бўлиб, ўқувчилар унда меҳнат қилаётган малакали мутахассислар ёрдамида ўз билимларини амалиётда қўллашмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ёшлар билан алоқаларни мустаҳкамлашда ўқув даргоҳларида мунтазам учрашув ва тадбирлар уюштирилиб, улларга тадбиркорлик, шунингдек, кредитни мақсадли ишлатиш хусусида маслаҳатлар берилаётгани айни мuddао бўлмоқда.

Бундан ташқари, ҳудуд ёшларини тадбиркорликка жалб этиш масаласи ҳам банк жамоасининг доимий диққат-эътиборида. Мана, бир неча йилдирки, Шаҳрихон туманидаги маъмурий хизмат ва касб-хунар коллежи филиал оталиғида. Бу ҳамкорлик натижаси ўларок, коллеж қошида кичик чех ташкил этилган бўлиб, ўқувчилар унда меҳнат қилаётган малакали мутахассислар ёрдамида ўз билимларини амалиётда қўллашмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ёшлар билан алоқаларни мустаҳкамлашда ўқув даргоҳларида мунтазам учрашув ва тадбирлар уюштирилиб, улларга тадбиркорлик, шунингдек, кредитни мақсадли ишлатиш хусусида маслаҳатлар берилаётгани айни мuddао бўлмоқда.

— Бир неча йилдан буён

Мухтасар айтганда, Халқ банкининг Андижон вилояти филиали ходимлари бор билим ҳамда тажрибаларини мижозларга самарали хизмат кўрсатиш, тадбиркорларга молиявий таъминлаш, ҳудудда ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга йўналтираётгани, бундай саъй-ҳаракатлар замирида эса аҳоли турмушини фаровон ва обод қилиш, юртимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантиришдек эзгу мақсадлар муваффақ эканлиги бугун ўз самарасини бермоқда.

Д. УЛУҒМУРОДОВ.

● Реклама ва эълонлар ●

«ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ»
очик акциядорлик жамияти
жамоаси

Меҳнатсевар, бунёдкор халқимизни

Наврўз байрами

билан қизгин муборакбод этади!

Ўйфанаётган она-табиат бахш этган яратиш ва яшнатиш иштиёқи ҳамда ушбу дамлардаги хушқайфият йил давомида кўнгилларимизни тарқ этмасин!
Жонажон Ватанимиз осмони ҳамisha мусаффо, эл-юрт дастурхони доимо тўкин бўлсин!

Байрам муборак, азузлар!

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
очик аукцион савдосига таклиф этади.

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 30 апрель куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 16 мартдаги ЖСК-1-69/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш 2/4 мавзеси, 14-уй, 5-хонадонда жойлашган, умумий майдони 85,10 кв.м. бўлган 4 та яшаш хонасидан иборат уй-жой.
2. Миробод тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судининг 2011 йил 10 ноябрдаги 1-7643/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш 2/4 мавзеси, 14-уй, 5-хонадонда жойлашган, умумий майдони 85,10 кв.м. бўлган 4 та яшаш хонасидан иборат уй-жой.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тулашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.
Телефон: (8-371) 250-19-24. www.realtorgroup.uz
Лицензия: № RR-0017.

«Ўзсанотқурилишбанк» ОАТБ жамоаси банк фаҳрий ходими
Жасур Убайдуллаев
НИГМАТОВнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг яқинлари ва қариндошларига чуқур таъзия ижор этади.

Қамолддин Бехдод номиндаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Фазилат Қодировани вафоти билан чуқур таъзия ижор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиран Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 134 474 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибиат 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8768

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛМАЗЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

ГАЗЕТА ТАХРИРИЯТ КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИДА ТЕРИЛДИ ҲАМДА ОПЕРАТОР М. БЕГМУРАТОВ ТОМОНИДАН САҲИФАЛАНДИ.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орноров.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — М. Оқунова.
Мусаҳҳаб — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50
Тошширилки — 21.50 1 2 3 4 5